# ТАРИХИМИЗНИНГ НУРЛИ САҲИФАСИ

***ЯРИМ АСРДАН** буён жаҳон ҳамжамиятида тинчлик ва осойишталик таянчи, инсон ҳуқуқларининг толмас ҳимоячиси сифатида танилган ва нуфузи тобора ортиб бораётган халқаро ташкилот— Бирлашган Миллатлар Ташкилотига республикамиз муносиб равишда аъзо бўлган кунга тўрт йил тўлди.*

Ана шу ўтган вақт мобайнида Ўзбекистон БМТ аъзоси сифатида ўзининг тинчликсевар сиёсати, халқлар ўртасида дўстлик, ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги амалий фаолияти билан юксак обрў, эътибор қозонди ва унинг мавқеи тобора ортиб бормоқда. Ўтган йили, БМТ ташкил этилганлигининг эллик йиллигига бағишланган тантаналар чоғида бу йирик анжуман иштирокчиларининг мамлакатимизга бўлган самимий ҳурмати янада яққолроқ сезилди, меҳр туйғуси ортди. Айни пайтда 150 давлат бошлиқлари қаторида тантаналарда қатнашган юртбошимиз Ислом Каримов нутқида БМТ ўз зиммасидаги эзгу ниятларни ҳаётга тадбиқ этиш йўлида анчагина муваффақиятларга эришганлигини, унинг жаҳон халқлари олдидаги хизматлари буюк эканлигини эътироф қилди.

Ўзбекистон бу халқаро ташкилотнинг энг ёш аъзоларидан бири бўлишига қарамай, халқаро миқёсда дадил қадам ташламоқдаки, натижада у Марказий Осиёда ўзининг изчил ташқи сиёсати билан қисқа муддат ичида танилди.

Инсоният тақдирига оид долзарб масалалар юзасидан Республикамиз раҳбарияти билдираётган таклифлар кўпчиликни қизиқтира бошлади. Бу бежиз эмас, албатта. Бунинг учун юртбошимиз Ислом Каримовнинг БМТнинг юбилей сессиясида сўзлаган нутқида кўтарилган муаммоларга назар ташлашнинг ўзи кифоя қилади.

Президентимиз нутқи дастлабки дақиқаданоқ қатнашчилар эътиборини ўзига қаратди. Чунки унинг биринчи жумлаларидаёқ БМТ олдида турган энг долзарб масалаларга доир таклифлар ўз ифодасини топди. Шулардан бири — минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масаласи эди. Унинг муҳимлиги шундаки, кейинги эллик йил ичида ер куррасида бирон кун бўлсин минтақавий уруш-жанжаллар тинган эмас. Ҳали бу ерда улар кўтарилиб турибди ва кўплари ҳозирда ҳам давом этмоқда. Корейс ярим ороли, Вьетнам, Яқин Шарқ, Тоғли Қорабоғ, Афғонистон, собиқ Югославия сарҳадлари... каби минтақавий «оловли нуқталар» бу вақт ичида сон-саноқсиз қурбонларга сабаб бўлди. И. Каримов минтақавий уруш-жанжалларни тугатиш ва бу масаладаги БМТнинг вазифаси ҳақида гапирар экан, уларни ҳал этиш ялпи тинчликни барқарор қилишнинг асосий ва бирдан-бир тўғри йўли эканлигини алоҳида қайд этди.

Президентимиз бу масалани назарий жиҳатдан асослаш билан чекланмасдан, уни Марказий Осиё минтақасидаги долзарб халқаро вазият билан боғлади ва жаҳон ҳамжамиятини бу ердаги қон тўкилишига барҳам беришга қаттиқ даъват этди. «Афғонистонда давом этаётган уруш, — деди у, — Марказий Осиёнинггина эмас, бутун дунёнинг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солиб турибди». Шу билан бирга И. Каримов 17 йилдан буён давом этаётган ва минглаб кишиларнинг умрига

> ***1992 йил 2 мартда — Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинган эди***

завол бўлаётган бу қонли фожианинг таъсири Ўзбекистон билан бевосита қўшни Тожикистон республикасидаги вазиятнинг кескинлашувига сабаб бўлаётганлигини таъкидлайди. Бу ҳол ўз навбатида ушбу минтақадаги кескинликнинг янада кучайишига олиб келмоқда, деди у.

Нутқда ана шу муҳим халқаро муаммога эътибор бериш лозимлиги масаласини кўтариш билан чекланмасдан, уни ҳал қилиш йўллари ҳам кўрсатилган, тинчликнинг тикланиши эса бу минтақа халқлари учун нақадар катта-кулай шарт-шароитлар яратиши мумкинлиги ҳақида аниқ фикр-мулоҳазалар ифода этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти БМТ минбаридан туриб, нафақат Марказий Осиё халқлари, балки умуман жаҳон экологияси учун катта хавф-хатарга айланиб қолган Орол денгизи муаммосига тезда эътибор бериш умум инсоний вазифалардан бири эканлигига жаҳон ҳамжамияти диққатини яна бир карра қаратди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, БМТнинг юбилей анжуманида сўзланган нутқнинг улкан аҳамияти Ўзбекистоннинг жаҳон ёки минтақавий долзарб муаммолар юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари ва улар билан боғлиқ таклифлар билан чекланмайди, албатта. Унда юртбошимиз жаҳон ҳамжамиятига собиқ совет минтақасида қад кўтарган ёш мустақил давлатлар номидан, Ўзбекистон тимсолида, мурожаат қилиб, уларнинг умумдунё жараёнига фаол иштирок этишларини таъминлашга шароит яратиш, бу борада маънавий, зарур ҳолларда моддий жиҳатдан кўмак кўрсатиш лозимлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. «Ислоҳотларнинг изчиллиги ва олға босишини, — деди у, — демократиялаштириш ва эркин бозор иқтисодиёти йўлининг тўғрилиги, барқарорлик ва мунтазам ривожланиш, барча тинчликсевар мамлакатлар билан ўзаро фойдали, тенг ҳуқуқли муносабатларни йўлга қўйишни бундан буён ҳам таъминлаб бориш, шу билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш биз учун ўта долзарб вазифадир».

Ана шу айтилган сўзларнинг нақадар тўғри эканлигини кўрсатувчи қатор воқеалар Америка тупроғининг ўзидаёқ содир бўлганлигини кўрамиз: Президентимиз Оқ уйда АҚШ вице-президенти Альберт Гор билан учрашди. Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, МДҲдаги бугунги вазият ҳамда Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигига дахлдор масалалар муҳокама қилинди, сўнгра Америка ишбилармон доиралари билан учрашув ҳам бўлиб ўтди. Ислом Каримовнинг яқинда Швейцариянинг Давос шаҳридаги анъанавий иқтисодий анжуманда иштирок этиши ва у ердаги мулоқотлар ҳам мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада оширди. Бу ташриф БМТ баён этган йўл-йўриқлари мустақил республикамизда изчил тадбиқ этилаётганлигини кўрсатди.

Умуман олганда Ўзбекистоннинг БМТга қабул қилиниши ёш мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Юртимиз жаҳон ҳамжамияти олдида ўзининг сиёсий, маънавий етуклигини, келажаги порлоқ иқтисодий заминга эга эканлигини намоён этмоқда.

***Баҳриддин МАННОНОВ,***
**Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори ўринбосари.**

# ТУҲФАНИНГ АФЗАЛИ — КЎНГИЛ СЎРАМОҚ

Ўтган йили вилоятимизда давлатга пахта топшириш режаси катта сафарбарлик, улкан меҳнат эвазига бажарилди. Унда қишлоқ жойлардаги барча ёшу-қари қатнашди, десак хато бўлмас. Пахтакорларга шаҳарлик турли касб эгалари ҳам кўмаклашиб турдилар. Шу муносабат билан Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши ҳамда деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти қўмитаси ғалабага муносиб ҳисса қўшган, пахта йиғим-теримида фидойилик қилган 100 нафар кишига «Тошкент минерал сувлари» санаторийсига бепул йўлланма берди ва улар деярлик бир вақтда даволанишга жўнатилди.

Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши ва деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси раҳбарлари куни-кеча дам олаётганлар ҳузурига бордилар. Бундан мақсад — улар билан учрашиш, ҳол-аҳволларидан хабар олиш, кайфиятларини билиш эди. Улар даво муолажалари, ётоқ жойларини оилавий дам олиш хоналарини кўздан кечирдилар.

Катта залда бўлган учрашув ҳаяжонли ва қизиқарли ўтди.

— Вилоятимиз кейинги йилларда пахта режасини бажара олмай келарди, — деди учрашувда Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгашининг раиси Муҳайё Тўлаганова. — 1995 йил кескин бурилиш йили бўлди. Унда сизларнинг муносиб ҳиссаларингиз ҳам бор. Ўйлаймизки, бу ерда яхши даволаниб, кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариб, оилаларингиз бағрига, меҳнат қучоғига қайтасизлар. Республикамизнинг беш йиллиги нишонланадиган йилда янада самарали меҳнат қиласизлар...

— Бу ерда даволанаётганларнинг ҳаммаси мусобақа ғолиблари, — деди деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси раиси Камолжон Шодиметов. — Фақатгина бизнинг қўмитамиз ўз ҳисобидан элликта йўлланма ажратди. Бунинг учун уч юз минг сўм атрофида маблағ сарфладик. Улар ўзларининг фидокорона меҳнатлари учун шундай тақдирландилар.

Даволанаётганлар орасида турли ёшдаги кишиларни, турли миллат вакилларини кўриш мумкин эди. Уларнинг умумий касблари пахтакор.

Кунига 300 килограммдан ошириб мавсум давомида олти тоннадан зиёд пахта териб, Қуйичирчиқ тумани меҳнаткашларига намуна бўлган, «Гулистон» жамоа хўжалигининг аъзоси Анорхон Назарова санаторийда соғломлаштириш ва дам олиш учун яхши шароитлар яратилганини таъкидлар экан, ғамхўрлик учун касаба уюшмаларига раҳмат айтди. Оққўрғон тумани деҳқончилик-саноат мажмуи иқтисодчиси Қаҳрамон Шойзоқов санаторий тиббиётчилари қулай имкониятлар яратиб беришганини мамнуният билан гапирди. Биз бу ғамхўрликдан беҳад миннатдормиз, 1996 йилда янада унумли ишлашга ваъда берамиз, — дейишди улар.

Учрашув охирида юқори меҳнат ютуқларига эришган механизаторлар, бригада бошлиқлари, теримчилар, маданият ходимлари, тиббиёт ходимларига касаба уюшмасининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

***Б. ПЎЛАТОВ,***
***Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши матбуот марказининг мудири.***

## *Фан — ишлаб чиқаришга*

# «СИҲАТ» ДЕБ АТАЛДИ

Ўзбекистон Фанлар Академияси Ўғит институти олимлари ғўзанинг баргини тўкадиган янги самарали дори ишлаб чиқдилар.

Олдинги дориларга нисбатан анча зарарсиз бўлгани учун унга «Сиҳат» деган ном берилди. Дори маҳаллий чиқиндидан тайёрланади, шунинг учун анча арзон ҳам тушади. Айниқса, унинг ҳар қандай ҳароратда кучини сақлаб қолиши ва ғўзага таъсир қилиши қишлоқ хўжалигида катта аҳамиятга эга.

— Биз бу дефолиантни илк бор ўтган йилги пахта йиғим-терими мавсумида оммавий миқёсда қўлладик, — деди институт директори Султон Усмонов. — Республика Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотга қараганда, хлорат магнийга нисбатан бу кимёвий дори қўлланилган жойларда кўпроқ ҳосил олинган. Агар ундан ҳамма жойда тўғри фойдаланилганида, янада юксакроқ натижаларга эришиш имкони бор эди.

Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган «Сиҳат» дефолиантини барча минтақаларда қўллаш мумкин. Шунинг учун ҳам кейинчалик уни бошқа Марказий Осиё республикаларига экспорт қилса бўлади.

***Адиба ОТАЕВА,***
***ЎзА мухбири.***



***33-механизациялашган кўчма жамлама бунёдкорлари Чинозни ободонлаштиришга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар. Улар бу шаҳарда ўнлаб катта-кичик биноларни барпо этишган. Ушбу суратларда жамлама жамоаси қурган 150 ўринли янги чойхона биноси, ҳамда илғор бинокорлардан Гулнора Турмашова, Абдурасул Содиқов ҳамда Достон Қосимовларни кўриб турибсиз.***

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***





*Ҳурматли «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти!*

*Мен асли Бекободнинг Улуғбек номли жамоа хўжалигиданман. Бозор муносабати билан қишлоқларда хусусийлаштириш бошлангач, бу ишдан четда қолмай, деҳқон-фермер хўжалигини ташкил этишга рухсат беришларини сўраб, туман ҳокимлиги ва жамоа хўжалиги раҳбариятига мурожаат қилдим. Илтимосимни инобатга олишди. Туман ҳокими, жамоа хўжалиги бошқаруви ва Дўстлик қишлоқ фуқаролар йиғинининг қарори чиқиб, 1994 йил охирида хўжаликнинг 24,5 гектар майдондан иборат боғи ва 9,2 гектар ер майдонида «Камолбой» номи билан деҳқон-фермер хўжалигини ташкил этдим. Ўтган йили 36,5 тонна ҳўл мева, 14,8 тонна пахта, 5 тонна картошка, 9,3 тонна арпа етиштирдим. Ҳосилдорлик боғ ва ер хўжалик ихтиёрида бўлган бурноғи йилдагига қараганда анча юқори бўлди. Бунга оила аъзоларим билан бутун куч ва имкониятларимизни ишга солиб, эришдик. Аммо идорама-идора юриб, у ердаги ходимларнинг қош қовоғига қараб, ҳужжат расмийлаштиришга қараганда ер чопиб, экин экиб, ҳосил етиштириш минг чандон енгил экан. Буни мен ҳозир ўз бошимдан кечиряпман. Ҳа, сарсон-саргардонлигим аслида хўжаликдан ажратилган ерни расмийлаштириб олмоқчи бўлган кунимдан бошланди. Шу мақсадда ўтган йили туман ҳокимлигига мурожаат қилгандим. У ерда менга хўжалик бошқаруви раиси Нормурод Эсоновнинг «Камоловнинг ҳужжатлари нотўғри, шу сабабли расмийлаштиришни тўхтатиб туринглар» деб ёзган хати борлигини, аввал ана шу «нотўғри» жойини тўғрилашимни маслаҳат беришди. Бироқ, бу ишнинг уддасидан чиқиш жуда ҳам қийин бўляпти. Негаки, бошқарув раиси менинг 1995 йил июль ойида ярим йиллик хўжалик ҳисоботи таҳлил қилинган йиғилишда уни танқид қилганимни ҳали-ҳамон кечиролмайди. Ўшанда «ҳап сеними» деб қўйган экан, ҳанузгача йўлимга тўсиқ ташлашдан эринмаяпти. Айтишича, экин майдонлари ҳужжатда кўрсатилганидан бироз кўпроқ эмиш. Наҳотки хўжаликка қарашли бўлган пайтда 33,7 гектар бўлган боғ ва ер майдони деҳқон-фермер хўжалиги қўлига ўтгач бирданига кўпайиб кетган бўлса?!*

*Бошқарув раиси билан фермер ўртасидаги ўзаро зиддиятга туман прокуратураси ва матбуот ҳам аралашди. Аммо, вазият ўзгаргани йўқ. Ҳалигача қонуний ҳужжатларимни расмийлаштириб ололмаяпман. Хўжалик бошқаруви раиси ўз айтганида маҳкам туриб олган. Туман ҳокимлиги эса унга қарши ҳеч нарса демайди. Бундай муносабат ўз навбатида Улуғбек номли жамоа хўжалиги ва умуман туманда ислоҳот ва хусусийлаштириш ишларига салбий таъсир кўрсатяпти. Наҳотки бир раҳбарнинг шахсий ғаразли умумий ишдан устун бўлса? Наҳотки қишлоқда мулкдорлар синфини вужудга келтириш энг муҳим, устивор вазифалардан бири қилиб қўйилаётган бир пайтда бизнинг хўжалигимизда тадбиркорларга нисбатан бундай нотўғри муносабат ҳеч кимни ташвишга солмаса?*

***А. КАМОЛОВ.***

## *«Тошкент ҳақиқати» бонг уради*

# БЕКОБОДДА ИСЛОҲОТ СУСТ БОРЯПТИ. НЕГА?

## ОЁҚДАН ЧАЛМАНГ-ДА, РАИС БУВА

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ иқтисодий ислоҳотнинг туб таркибий қисми, Буни эндиликда на қишлоқда ва на туман марказида ҳеч ким рад этолмайди. Хўжалик раиси Нормурод Эсонов билан А. Камоловнинг шикоят хати юзасидан суҳбатлашганимизда ҳам у ана шу оддий ҳақиқатни бир неча марта такрорлади, фақат такрорладигина эмас, ҳатто, хўжаликда шу йўналишда олиб борилаётган «кенг кўламли» ишлар ҳақида гапириб ҳам берди. Фермер хўжалигини ташкил этиш истагини билдириб, бошқарувга 24 киши ариза билан мурожаат қилганлигини ҳам таъкидлади.

— Абдураҳмон Камолов қишлоқдаги дастлабки фермер экан, нега ҳалигача ер ҳақидаги ҳужжатлари расмийлашмади? — сўрадик ундан масалани кўндаланг қўйиб. — Ахир у бир ярим йил олдин барча қонун-қоидалар билан боғ ва ерни хусусийлаштириб олган, ўтган бир йил давомида оила аъзолари билан меҳнат қилиб, кутилганидан ҳам зиёда ҳосил етиштирган бўлса, мана шунинг ўзи ҳам унинг ерга эгалик ҳуқуқини тўла тасдиқламайдими?

Раис масаланинг шу тарзда кўндаланг қўйилишини кутмаган эканми, яна гапни чувалатиб, хўжалик фаолияти, ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар ҳақида сўзлай бошлади. Биз «Камолбой» фермер хўжалигини ташкил этиш ҳақидаги бир даста ҳужжат нусхаларини унинг олдига қўйиб, бошқарув раҳбарининг сўзи ва амалий иши ўртасида нега бунчалик катта фарқ борлиги сабабини суриштирдик.

— Ахир Камоловнинг фермер хўжалиги барча қоидаларга асосланиб, хўжалик тузган комиссия иштирокида ташкил этилган экан-ку?!

Афсуски, раис бу эътирозларга қарши ўз эътирозини билдиролмади. Дарҳақиқат, тадбиркор Абдураҳмон Камоловнинг боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини тузиш ҳақидаги аризаси олингач, хўжалик бошқаруви йиғилиши 1994 йил 14 августда «Боғ бригадасини шу боғда жойлашган дам олиш маскани билан А. Камолов раҳбарлигида хусусийлаштириш ва боғдорчилик фермер хўжалигини ташкил этишга рухсат бериш ҳамда унга боғдаги кўп йиллик мевали дарахтлар ва бино иншоотларини ажратиб бериш тўғрисида» қарор чиқарган эди. Бошқарув тузган бош ҳисобчи, бош ҳосилот, бош муҳандис, ер тузувчи муҳандис ва тажрибали мутахассислардан иборат ўн кишилик комиссия орадан кўп ўтмай хўжалик боғидаги мевали ва манзарали дарахтларни, барча жиҳозлар, техника ва бошқа мавжуд воситаларни бирма-бир санаб, ҳисоблаб чиқди. Ер майдонларини қайта-қайта ўлчади. Туман ер тузиш бўлими бошлиғи А. Қурбонов, Дўстлик қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қ. Қодиров, комиссия раиси, бош ҳосилот А. Зокиров, ер тузувчи муҳандис А. Шермуродов умумий майдони 24,5 гектарлик боғ ва 9,2 гектардан иборат экин майдонлари саҳни харитасини чизиб, ўз имзолари билан тасдиқлаб бердилар. Шундан сўнг Дўстлик қишлоқ фуқаролар йиғини ва туман ҳокимлиги қарор чиқариб, комиссия хулосасини тасдиқлади. «Камолбой» номи билан аталган хусусий жамоа боғдорчилик фермер хўжалигининг низомини рўйхатга олиш, молиявий ишларни олиб бориш учун «Тадбиркор» банкида жорий ҳисоб рақами очиш, солиқ тўловларини белгилаш ҳамда муҳр ва штамп олишга рухсат берди. Ушбу ҳужжатларга биноан фермер хўжалиги ўзи учун ажратилган мевали дарахтлар, бино ва иншоотлар, иссиқхона, қишлоқ хўжалик техникаси, автотранспорт ҳамда тегишли ер майдонини ажратиб оладиган, мустақил юридик хўжалик сифатида Улуғбек номли жамоа хўжалигидан бўлиниб чиқадиган бўлди. Жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Н. Эсонов ва фермер хўжалиги раҳбари А. Камоловнинг имзолари ҳамда хўжалик муҳри билан тасдиқланган далолатнома бўйича бошқарув комиссияси ўз акти билан қайд этган ер ва мулкни хўжалик ҳисобидан чиқариб, фермер қабул қилиб олди. Шунингдек, А. Камолов ўзаро шартнома билан хўжаликдан сотиб ва ажратиб олинган боғ ва жиҳозларнинг 296,607 сўмлик ҳақини ҳар йили 10 фоиз миқдорида тўлаб, 2005 йилгача қутуладиган бўлди. Улуғбек номли жамоа хўжалиги эса имкониятга қараб, фермер хўжалигини техника ва сув билан таъминлашни ўз зиммасига олди.

Фермер хўжалиги раҳбари А. Камоловнинг режалаб қўйган ўй ва мақсадлари катта эди. Хўжалик аъзолари, энг аввало, боғ ва экинзорлар ҳосилдорлигини ошириш, таннархини камайтириш ва шу йўл билан даромадни кўпайтиришни ният қилиб қўйишди.

— Бу ишларни йўлга қўйиб олгач, шу ерда мева, сабзавот, сут ва гўштни қайта ишлайдиган цех очиб, мева шарбати, томат, қоқи, печенье, сариёғ, қатиқ, қаймоқ ва бошқа хил маҳсулотларни ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз, — деди ўзаро суҳбатда А. Камолов. — Бу маҳсулотларни, энг аввало, қишлоқ аҳолисига арзон нархларда сотамиз. Булардан ташқари ўзаро шартномада қайд этилганидек, жамоа хўжалигидаги болалар боғчасини ҳам йил бўйи ҳўл мева билан таъминлаяпмиз.

Фермер хўжалигининг барча аъзолари хусусий мулк эгаси бўлгач бир йил мобайнида астойдил меҳнат қилиб, боғдан шу пайтгача сира ҳам олинмаган мўл ҳосил олдилар. Жами ҳосил бир йўла 11 тоннага кўпайди. Бўш майдонларда 14,8 тонна пахта, 7,6 тонна қовун-тарвуз, 5 тонна картошка етиштирилди. Даромадлар ҳам шунга яраша бўлди, албатта.

Бироқ жамоа хўжалигида ўтган ярим йиллик ҳисобот йиғилишида фермер. А. Камолов бошқарув раиси номига бир оғиз танқидий фикр айтди-ю, балога қолди, ҳамма ишлари чаппасига айланиб кетди.

— Шахсий ғараз умум ишидан устунлик қилди, — дейди энди у оғир уф тортиб. — Олдин ишимизга ёрдам бериб келаётган бошқарув раиси бирданига тўнини тескари кийиб, ҳар бир қадамимизда сунъий тўсиқ қўйишга ҳаракат қиляпти. Унинг ўзбошимчалиги билан аслида собиқ боғ бригадасига қарашли бўлган 11,7 минг сўмлик 2 та трактор, чизель, плуг, тиркама арава ва бошқа хил техника воситалари боғ ихтиёридан олиниб, пахтачилик бўлимига ўтказиб юборилди. Ер бўйича давлат қоғозини олиш ҳам раиснинг аралашуви билан ҳалигача ҳал этилмай келяпти. Туман ҳокимига ҳам, прокуратурага ҳам арз билан бордим, аммо, шикоят ва аризаларим барчаси фойдасиз тугади. Мен каби оддий фермернинг дилидан чиққан минг оғиз фарёддан раисимиз айтган бир оғиз сўзнинг тоши оғирлик қилди. Мен қорнимга эмас, қадримга, бутун республикада тез қарор топиб бораётган хусусийлаштириш иши, фермерлик ҳаракатининг бизнинг туман ва хўжалигимизда қадрсиз бўлиб қолаётганлигига ачинаман, холос.

Республикамиз Президенти И. Каримов Вазирлар Маҳкамасида яқинда бўлиб ўтган мажлисда сўзлаган нутқида қишлоқда мулкдорлар синфини вужудга келтириш тўғрисидаги масалага эътиборни қаратар экан, биринчи галда ислоҳотларнинг олға силжишига тўсқинлик қилаётган сабабларга барҳам бериш лозимлигини таъкидлади. Ҳа, хўжалик юритишнинг янги шаклларига ўтишда эскича муносабатларнинг ҳар қандай кўринишларига асло ўрин бўлмаслиги лозим. Ана шуни унутмаслик керак.

## ЮЗАКИ МУНОСАБАТНИНГ ХУНУК ОҚИБАТЛАРИ

УЛУҒБЕК номли жамоа хўжалигида деҳқон-фермер хўжаликларига, тўғрироғи, қишлоқда ислоҳотларни амалга оширишга муносабат ана шундай ачинарли аҳволда экан, умуман, Бекобод туманида бу муҳим ишга қандай қарашяпти? Биз шу масала юзасидан туман ҳокими ёки ҳоким муовинлари билан учрашиб, хўжаликларда ислоҳотлар қандай амалга оширилаётгани тўғрисида, ҳокимнинг бир чимдим суҳбатини олиш учун боргандик. Афсуски, ҳоким Муҳаммадали Расулов қабулига кириш имкони бўлмади. Тўғрироғи, у зарур иши борлигини баҳона қилиб, биз билан бир лаҳза суҳбатлашиш учун вақт ажратмади. Шундан сўнг турли ташкилотларда бўлиб, ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Мана, дастлабки таассуротларимиз: туман хўжаликларида иқтисодиётда туб ўзгаришларга эришиш ва бозор муносабатларига мослашиш, қўшма корхоналар ташкил қилиш, хорижий маблағларни жалб қилиш, кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантириш, қишлоқларда янги иш жойларини очиш, аҳолига хизмат кўрсатишни ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳозирги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди.

Ҳокимлик кадрлар билан ишлаш, уларнинг масъулиятини ошириш юзасидан жиддий иш олиб бораётгани йўқ. Шу сабабли кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари ташкилотчилик ва ишбилармонлик қилолмаяптилар. Ойбек номли, «Авангард», «Сарюз», «Турон» жамоа хўжаликларида бошқарув раисларининг уқувсизлиги ва ишларни бўлса-бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар қабилида олиб бораётгани сабабли деҳқончилик ва чорвачилик режалари бажарилмай қолди. Айниқса, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларга ўз вақтида ёрдам кўрсатилмаётгани бу янги ишнинг оқсаб қолишига, баъзи жойларда эса, ҳатто, кишиларнинг ҳафсаласи пир бўлишига олиб келяпти. Фикримизнинг далили сифатида бир неча мисоллар келтирамиз. Ўтган йили туманда 138 та деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил этилиб, уларга 1410 гектар ер ажратиб берилган эди. Сўнг нима бўлди, дерсиз? Жамоа хўжаликлари раҳбарлари фермерларнинг рўзғорини бошқа қилиб беришди-ю, аммо, кейин уларнинг ҳолидан хабар олмай, нимадан зориқаётганини сўрашни ҳам хаёлларига келтирмадилар. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари бундай «ўгайлик»нинг азобини биринчи бўлиб ўз бошларидан ўтказдилар. Бу эса фермер хўжаликларида моллар бош сони ҳамда гўшт ва сут етиштириш миқдори кескин камайиб кетишига олиб келди. Жумладан, бир йил мобайнида «Бўстон» фермер хўжалигида қорамоллар 454 бош, Ойбек номли жамоа хўжалигидаги хусусийлашган 4 та фермада 395 бош, «Нурафшон» жамоа хўжалигида 219 бош камайди. Туман бўйича эса бу рақам 3404 бошни ташкил этди. Соғин сигирлар 739 бошга, қўй ва эчкилар 222 бошга, чўчқалар эса 4848 бошга қисқарди. Ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут миқдори 857 килограмм озайди. Хўжаликларнинг раҳбарлари эса «қишлоқда ислоҳотни ўтказдик, чорвачилик ва паррандачилик фермаларини кимошди савдоларида сотдик, жамоа мулкини хусусийлаштирдик, энди қолган ишни мулкдорларнинг ўзлари қилаверадилар», деб чучварани хом санаб юравердилар. Назорат ва ёрдам бўлмагани сабабли кўпгина фермер хўжаликлари ердан ўз билгилари бўйича нотўғри фойдаланмоқдалар. Кейинги бир йилда ҳокимлик 26 фермер хўжалиги натижаларини ўрганиб, улар фаолиятини бекор қилди ҳамда ер тўғрисидаги қонунни бузганлиги учун иккита деҳқон-фермер хўжалиги ишини, ҳатто тергов органларига оширишга мажбур бўлди.

Туманда иқтисодий ислоҳотларга бўлган ўгай муносабатни яна қуйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин. Ўтган йили хўжаликларда 150 та ер бўлакларини ижтимоий соҳалар учун сотиш режалаштирилган эди. Аммо, эътиборсизлик сабабли бирор бўлак ер майдони ҳам ўз эгасини топмади. Кимошди савдосида сотилиши лозим бўлган 110 та ер бўлакларидан атиги 20 тасигина савдо қилинди, холос. Шунингдек, давлат мулки ҳисобидан чиқарилган корхоналарнинг акцияларини сотиш ҳам ўлда-жўлда бўлиб қолаётгани асосан ислоҳотларга панжа орасидан қаралаётгани натижаси бўляпти.

Ҳа, Бекобод тумани қишлоқларида ислоҳотлар жуда суст боряпти, у кутилган натижаларни бермаяпти. Бунга эса, энг аввало, янги мулкдорларга ўзларини ўнглаб олишлари ва тезда оёққа туриб кетишлари учун хўжалик раҳбарларининг зарур шарт-шароитлар яратиб бермаётганликлари сабаб бўляпти. Ислоҳотлар юзакичиликни, менсимай қарашни ёқтирмайди, у амалий ҳаётда ўз ечимини топсагина кутилган натижани беради. Зеро, Республика Вазирлар Маҳкамасида 1995 йил якунлари ҳамда жорий йилдаги вазифаларга бағишланган мажлисда ҳам ана шу масалаларга алоҳида урғу берилди. Бекобод тумани раҳбарлари ҳам ушбу оддий ҳақиқатни яхши тушуниб олишлари лозим.

***Рафиқ ТУРСУНОВ,***
***Ҳусан СУЛАЙМОНОВ,***
***«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.***

